

Талабаларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш усуллари

¹Т.Бўтаев, ²С.Набихонов.

¹ТДТУ Қўқон филиали дотценти, т.ф.н., ²ТДТУ Қўқон филиали талабаси.

Аннотация

Мақолада талабаларда олий таҳлим муассасаларида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ҳамда тадбиркорлик ғояларини ривожлантириш, бизнес режаларни тузиш ҳақида баён қилинган.

Калит сўзлар

Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, бизнес ғоя, бизнес режа, бозор, меҳнат, фойда, зарар.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, айнан кичик бизнес, хусусий **тадбиркорлик** дунё молиявий иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этишда энг самарали роль ўйнайди, аҳоли бандлигини таҳминлаш, унинг тушум маблағлари ортишининг муҳим омили ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунлариданок, мамлакатимизда кичик бизнесни, иқтисодиётнинг муҳим соҳаси сифатида ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, хусусий **тадбиркорлик** ҳуқуқларини химоя қилиш ва кафолатлашнинг кучли тизимини яратишга катта эҳтибор бериб келинмоқда.


“**Тадбиркорлик** (Бизнес)- иқтисодий фаолият бўлиб, маҳлум бир ишни ёки **бир ҳунар (касб)**ни фойда олиш мақсадида ташкил қила билиш” ёки “Пул топиш мақсадида таваккалчиликка асосланиб бирор иш ёки **меҳнат** билан банд бўлиш”.

Маҳлумки олий таҳлим муассасалари талабалари маҳлум бир ихтисослик бўйича мутахассис бўлгач, агар тадбиркорлик фаолияти шуғулланса замонавий меҳнат бозорларида фақат ўзинигина иш билан таҳминламай балки қўшимча иш ярата олиш имкониятига эга бўлади. Шу сабабли талабаларда олий таҳлим муассасаларида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириб ва

ривожлантириб бориш мамлакат иқтисодиёти учун ниҳоятда долзарб масаладир. Тадбиркорликни қандай бошлаш кераклигини кўриб ўтсак.

Тадбиркорлик учун асосий талаблар:

- Ғояни аниқлаш;
- Ўз-ўзига ишониш;
- Бошқарув кўникмалари;
- Ҳисоб кўникмалари.



1-расм. Тадбиркорлик фаолиятининг алгоритми
Демак, тадбиркорлик нимадан бошланади?

1.Ғоя!

“Бизнес ғоя”ни аниқлашда қуйидаги саволларга жавоб бериш керак:-

- Ғоянгиз асосида бўладиган маҳсулот/хизматга талаб қандай?
- Рақобатчилар кимлар (кўпми)?
- Хомашё ва асбоб-ускуналар топиш қийин эмасми?
- Сиз қандай маҳсулот ёки хизматни сотмоқчисиз?
- Сиз маҳсулот ёки хизматни кимга сотмоқчисиз?
- Сиз уларни қайси нархда сотмоқчисиз?
- Маҳсулот ёки хизматларни қандай сотмоқчисиз?

➤ Маҳсулот ёки хизматларни қаерда сотмоқчисиз?

Мисол сифатида қуйидаги жадвалда бизнес ғояларни танлаб олиш схемасини кўриб чиқамиз:

Бизнес- ғоя	Талаб	Рақобат	Хомашё	Асбоб-ускуна	Иш кучи	Умумий баҳоси
№1 Шоли	5	3	5	1	5	19
№2 Махсус Кийим	3	3	4	4	3	17
№3 Ошхона	5	1	4	4	2	16

Жадвалда “баҳо” белгиланиши:-

«5»-ахло;

«4»- яхши;

«2»- ёмон;

«3»- қониқарли;

«1»- жуда ёмон.

Жадвал бўйича бизнес- ғояни танлашда юқори баҳоланишига эҳтибор берилади. Мисолимизда қишлоқ шароитларида шоли экиш ғояси энг сер даромад тадбиркорлик фаолияти экан.

Ўзбекистонда тадбиркорликни ташкил этиш усуллари:

- ❖ шахсий меҳнатга асосланган;
- ❖ Ёлланма меҳнат орқали;
- ❖ Юридик шахс сифатида;
- ❖ Юридик шахс бўлмасдан.

Бизнес режа - тадбиркорлик фаолиятини бошламасдан олдин, ёзма равишда, ҳамма ҳаракатларни, ҳаражатларни ва бутунлай ишингизни натижаларини аниқлаш ва таҳлил қилиш учун бажарилади.

Бизнес режа «бизнес ғоя»ни амалга ошириш учун асосий қуролдир.

Бизнес режа кимга керак?

-Фирма раҳбарига;

-Қарз берувчиларга;

-Бизнесни бошқарувчиларга;

-Ҳомийларга.

Яхши бизнес режа – ахло натижа(даромад)ларга эришиш омилидир.

Бизнес режа нима учун керак?

- Биз қаердамиз ва қаерга кетаётганлигимизни аниқ кўрсатади;
- Бизнеснинг мақсадимиз қандай ва бу мақсадни қандай бажарамиз;
- Бизнес ғояни тушунарли қилади;
- Режалаштиришни амалга оширади;
- Биз қаердамиз ва қаерга кетаётганлигимизни аниқ кўрсатади;
- Бизнеснинг мақсадимиз қандай ва бу мақсадни қандай бажарамиз;
- Бизнес ғояни тушунарли қилади;
- Режалаштиришни амалга оширади;

Бизнес режа мақсади?

- Сизга қанча, қачон ва нима учун маблағ кераклигини аниқ кўрсатади;
- Корхона учун маблағ топиш усуллари аниқлайди;
- Корхонани тўғри бошқариш тахминлайди.

Кимни эҳтиёжини қондириш керак?

- Истеҳмолчининг қандай талаблари бор?
- Истеҳмолчининг талабларини қандай қондирмоқчимиз?


	Ким? (Истеҳмолчи)	Нима? (Эҳтиёжлар)	қандай? (хизмат)
Бугун			
Эртага			

Бизнес-режанинг асосий қисмлари:

- Бозор тўғрисида маълумот қисми;
- Ишлаб чиқариш қисми;
- Бошқарув қисми;
- Молиявий ва натижалар тахлили қисми.

Хулоса қилиб, ўрта мактабларда меҳнат таҳлими машғулотларини олиб боришда ўқувчиларда тадбиркорлик бўйича билим ва кўникмаларини шакллантиришнинг қуйидаги усуллари тавсия қиламиз.





Тадбиркорликни шакллантириш усуллари

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони // Халқ сўзи, 2005, 16 июн.
2. Ғуломов С.С. «Тадбиркорлик ва кичик бизнес» Т.: 2002 й..
3. Мирзиёев Ш.М. Танкидий таҳлил, қатой тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига баъишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маоруза, 2017 йил 14 январ. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2017.
4. Ўзбекистон Ресоубликаси президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Ресоубликасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ПФ-4947-сонли Фармони, 2017-йил 7- феврал. 1.20. К.Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017.56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 48 б.